

# Тошкент вилоятида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш ТАРТИБИ

Мазкур тартиб Тошкент вилояти ҳокимлиги фаолияти, ҳокимликда ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни холис, тезкор ва эркин тарқатиш, шунингдек аккредитация қилинган ОАВ вакиллари (журналистлар)нинг ишини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузурида Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилишни белгилайди.

Аккредитация Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва ОАВга доир бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда аккредитация Қоидаларига мувофиқ, ўтказилади.

ОАВнинг вилоят ҳокимлиги фаолиятини мунтазам ёритиб борадиган вакиллари тегишли ОАВнинг ҳокимликдаги мухбири сифатида аккредитация қилинадилар. Оммавий ахборот воситаларининг вакилларини аккредитация қилиш ишларини вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил хизмати ташкил этади. Яъни Ахборот-таҳлил хизмати вилоят ҳокимлиги ҳузурида аккредитация қилиш қоидалари, муддатлари ва талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисида ОАВ таҳририятларини олдиндан хабардор қилади.

Ахборот-таҳлил хизмати уз зиммасидаги вазифани бажаришда вилоят ҳокимлигининг тегишли тузилмавий бўлинмалари, хусусан Ишлар бошқармаси билан ҳамкорлик қилади. ОАВнинг таҳририятлари, хусусан:

- ахборот агентликлари 3 нафаргача (бунда журналистлардан 1 нафари фотомухбир бўлиши назарда тутилган);
- телетаҳририятлар 5 нафаргача (бунда телетаҳририятлар 3 тадан гуруҳ тақдим этиши ва ҳар бир гуруҳ таркибида алоҳида телеоператор, техник хизмат кўрсатувчи мутахассислар бўлиши назарда тутилган);
- радиотаҳририятлар 1 нафаргача;
- кундалик нашрлар 2 нафаргача;
- ҳафталик нашрлар 1 нафаргача вакилни аккредитация қилиш учун тавсия этишлари белгиланган.

Ойлик ва бошқа нашрлар бир марталик аккредитация учун буюртманома беришга ҳақли.

Аккредитация қилиш учун ОАВ таҳририяти вилоят ҳокимлигига расмий бланкада ёзилган буюртманомаси тақдим этилади. Буюртманома ОАВ раҳбари томонидан имзоланиши, муҳр билан гувоҳлантирилиши лозим. Буюртманомада оммавий ахборот воситасининг номи ва тури, ихтисослашуви, тарқалиш ҳудуди, электрон почта манзили (шу жумладан индекс), таҳририятнинг телефонлари ва факс рақамлари, аккредитация учун тавсия этилаётган ОАВ вакилининг (журналистнинг) фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими, телефон рақамлари кўрсатилган бўлиши шарт.

Буюртманомага ОАВ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, кўрсатув (эшиттириш) олиб бориш учун (электрон ОАВга) берилган лицензия нусхаси, аккредитация учун тавсия этилаётган ОАВ вакилининг (журналистнинг) паспортига оид маълумотлар, 3x4 ўлчамдаги тўрт дона рангли фотосурати илова қилиниши талаб этилади.

Аккредитация учун буюртманомаси асл нусхада қабул қилинади. Буюртманомаси олинган кундан эътиборан 15 кун ичида кўриб чиқилади. Юқорида қайд этилган маълумотлар кўрсатилмаган, шунингдек белгиланган муддатда берилмаган буюртманомалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди. Аккредитация қилиш сўралган ОАВ вакилининг вилоят ҳокимлиги фаолияти юзасидан тегишли маълумотга эга бўлишини таъминлаш мақсадида Матбуот котиби билан мулоқоти ташкил этилиши мумкин.

Аккредитация қилинган ОАВ вакилига (журналистга) 2 йил муддатда амал қиладиган "Аккредитация гувоҳномаси" топширилади. "Аккредитация гувоҳномасига аккредитация қилинган шахснинг 3x4 ўлчамдаги рангли фотосурати туширилади, фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, ОАВнинг номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва тартиб рақами ёзилади. Гувоҳнома вилоят ҳокими ёки ўринбосари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади. Гувоҳномани аккредитация қилинган ОАВ вакилининг шахсан ўзи қабул қилиб олади.

Электрон ОАВнинг техник ходимларига бериладиган "Аккредитация гувоҳномаси" вилоят ҳокимлигига овоз ёзиш, суратга олиш ва ёритиш аппаратларини олиб кириш ҳамда бинодан олиб чиқиш ҳуқуқини беради.

Чет эллик мухбирлар, шу жумладан МДХда аъзо давлатлар мухбирлари ҳам аккредитация қилинадилар. Аккредитация қилинган чет эллик мухбирларга тегишли шаклдаги гувоҳнома берилади. ОАВнинг таҳририятлари, агар зарурат тақозо этса, ўзининг аккредитация қилинганидан ташқари ходимлари вилоят ҳокимлигида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш учун бир марталик аккредитация сўраб, вилоят ҳокимлигига расмий бланкада буюртманомаси беришлари мумкин.

Буюртманомасида ОАВ вакилининг (журналистнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми, тадбирнинг номи, аккредитация вақти ва санаси кўрсатилиши керак. Бироқ айрим ҳолларда ўз фаолиятига кўра реклама тусига эга бўлган нашрларнинг, тармоқ нашрларининг, шунингдек вилоят ҳокимлиги фаолиятини ёритиш билан шуғулланмайдиган нашрларнинг аккредитация қилиш тўғрисидаги буюртманомалари рад этилиши ҳам мумкин.

Ўз фаолиятини тугатган ёки фаолияти тухтатиб қўйилган ОАВ вакилларининг (журналистларининг) аккредитацияси бекор қилинади. Шунингдек, ОАВ вакили (журналист) аккредитация Қоидаларида белгиланган талабларга риоя этмаса ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот тарқатса ёхуд 12 ой давомида вилоят ҳокимлиги фаолияти ҳақида ОАВда бирор марта ҳам ахборот ёритмаган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ аккредитациядан маҳрум қилиниши мумкин. ОАВ вакили (журналист) ишдан бўшатишга ёки унинг аккредитацияси чақириб олинган тақдирда бу ҳақда Ахборот-таҳлил хизмати хабардор қилиниши лозим. Бунда журналистнинг вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги аккредитацияси тўхтатилади. Аккредитацияси тўхтатилган вакилнинг (журналистнинг) аккредитация гувоҳномаси Ахборот-таҳлил хизматига, котибига қайтаргач, бошқа журналистни аккредитация қилишни сўраб белгиланган тартибда буюртманомаси киритиши мумкин ва ушбу буюртманомаси асосида таҳририят вакили аккредитация қилинади.

Аккредитация гувоҳномаси ва чет эллик мухбир гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаган бўлса ёки гувоҳномадаги маълумотлар алмаштирилган ёки уларга шикаст етган бўлса ёхуд аккредитациядан маҳрум этилган бўлса, вилоят ҳокимлиги биносини қўриқловчи махсус хизмат ходимлари гувоҳномани олиб қўйишга ҳақлидирлар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аккредитация қилинган ОАВ вакиллари вилоят ҳокимлиги биносида бўлишда унинг ички тартиб-қоидаларига ва ишларини ташкил этиш талабларига риоя қилиши шарт. Шунингдек, ўз касбий фаолиятларини амалга ошириш вақтида вилоят ҳокимлиги раҳбарияти ва аппарати ходимларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, умумэътироф этилган журналист одобини нормаларига риоя этиш,

газетхонлар, телетомошабинлар ва радио эшитувчиларни вилоят ҳокимлиги фаолияти тўғрисида ҳар томонлама ҳамда ҳолис хабардор қилишлари, вилоят ҳокимлиги биносига кириш (ундан чиқиш) вақтида, шунингдек ўз касбий фаолиятларини амалга ошириш вақтида аккредитация гувоҳномасини (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда), чет эллик мухбир гувоҳномасини кўрсатишлари талаб этилади.

Унутмаслик керакки, ўз касбий имкониятларидан ахборотни яшириш ёки ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни сохталаштириш мақсадида фойдаланмасликлари, тўғри ахборот ниқоби остида миш-мишлар тарқатмасликлари, бегона шахслар ёки оммавий ахборот воситаси ҳисобланмаган ташкилотлар учун ахборотлар тупламасликлари шарт. Аккредитация қилинган ОАВ вакилини янги муддатга аккредитация қилиш аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин таҳририят томонидан тақдим этилган буюртманома асосида ўтказилади.

Таҳририят вилоят ҳокимлигига аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин буюртманома бериши керак. Янги муддатга аккредитация қилиш аккредитация қилинган ОАВ вакилининг олдинги аккредитацияси давридаги бенуқсон ва самарали фаолиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.